Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 30 сентябр пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 194 (2232)

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов билан учрашди. Суҳбат чоғида меҳмонларга Олий Мажлис фаолияти, Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида юз бераётган янгиланишлар ҳақида сўзлаб берилди.

К.Воллебек ЕХҲТ Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар жараёнига, хусусан, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларга юқори баҳо берди. ЕХҲТ Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни бундан кейин ҳам кенгайтириб бориш ниятида эканини таъкидлади.

ЕХҲТ делегацияси аъзолари Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова билан ҳам учрашди. Улар билан суҳбатда қабул қилинган қонунларга риоя этилишини назорат қилиш, фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда олиб борилаётган ишларни матбуотда ёритиб бориш Омбудсман идораси фаолиятининг устувор йўналиши экани таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон Омбудсмани чет эллик мутахассислар, халқаро ташкилотлар экспертлари билан самарали мулоқотлар ўтказаётгани қайд қилинди.

ЕХҲТ делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда ҳам бўлди.

**(ЎзА)**



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 сентябр куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли ташкилот билан алоқа ўрнатганига кўп бўлмаган эса-да, икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, ташкилотнинг 1996 йили Лиссабонда бўлган саммитида мамлакатимиз раҳбари минтақамизда барқарорликни мустаҳкамлаш, можароларни бартараф этиш, қурол-яроғ контрабандасига қарши курашда ЕХҲТнинг иштирокини кенгайтириш таклифини илгари сурган эди. Бу таклиф саммит сўнггида қабул қилинган Лиссабон декларациясида ўз ифодасини топди. 1997 йилда эса ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳам ЕХҲТнинг Парламент Ассамблеяси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиган. Бир сўз билан айтганда, минтақавий хавфсизлик, экология, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, фуқаролар жамияти барпо этиш, демократиялаштириш ва инсон ҳуқуқларига оид кўплаб соҳаларни қамраб олган Ўзбекистон-ЕХҲТ ҳамкорлиги тобора кенгаймоқда.

Учрашувда Президент Ислом Каримов ушбу ташриф ЕХҲТ раҳбариятининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга, парламент ва президент сайловлари арафасида мамлакатимиздаги вазият билан бевосита танишишга бўлган интилишининг ифодаси эканини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ЕХҲТ томонидан минтақамиздаги жараёнларни ўрганиш бўйича махсус миссия ташкил этилаётганига ҳам тўхталиб, бу ташаббусни юқори баҳолади ва у минтақа мамлакатларининг ташкилот фаолиятида янада изчил иштирокини таъминлашини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ БАЙРАМИ

Мана учинчи йилдирки, мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Бу шарафли касб эгаларига билдирилаётган юксак эҳтиром белгисидир. Ҳар йили республикамизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамда фидойилиги билан кенг жамоатчилик ҳурматига эришаётган ўнлаб устоз-мураббийлар давлатимизнинг орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланади. Шонли байрам арафасида Президентимиз Фармонига биноан соҳа вакилларидан яна бир гуруҳи ана шундай юксак мукофотларга сазовор бўлди. Зеро, бу соҳа вакилларининг юртимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлардаги, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишдаги ҳиссаси беқиёсдир.

Пойтахтдаги "Туркистон" санъат саройида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан илғор ўқитувчи ва мураббийлар, ёш мутахассислар, соҳа фахрийлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Ўқитувчилари ва мураббийларига йўллаган табригини Президентнинг ахборот-таҳрир хизмати раҳбари Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 273-мактаб директори, Ўзбекистон Қаҳрамони М.Исматова, Чилонзор туманидаги 195-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси В.Михайлова, Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи раҳбари А. Хўжаев ва бошқалар давлатимиз раҳбарига ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун миннатдорлик изҳор этдилар. Ўзларининг билим ва тажрибаларини Ватанга муносиб ёшларни тарбиялашга қаратажакларини билдирдилар.

Тантанали йиғилиш Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**

*1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни*

## НОЗИК ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПГАН ИНСОН

**Мамлакатимизнинг бугунги равнақи ва тараққиётини ўқитувчиларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу муқаддас касб эгалари доимо эъзозда. Президентимиз Фармони билан уларнинг касб байрами умумхалқ байрами сифатида нишонланишида ҳам рамзий маъно бор. Ҳар йили мазкур соҳанинг юзлаб вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотлари, фахрли унвонларига сазовор бўлмоқда. Ана шундай шарафли касб эгаларидан бири — Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, Тошкентдаги 273-лицей-мактаб раҳбари Мавлуда Исматова.**

Ўқитувчилар сулоласида тарбия топган М.Исматова ҳали Тошкентдаги 20-ўрта мактабда таҳсил олаётган вақтидаёқ шу касбга меҳр қўйганди. Шу боис педагогика билим юртида ўқиётган чоғида пухта билим олишга, моҳир педагоглар тажрибасини ўзлаштиришга ҳаракат қилди. У ҳозир ишлаётган мактабига келганида ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган қизалоқ эди. У бошланғич синфда дарс бера бошлаган дастлабки кунлариданоқ доимо изланишда бўлди. Натижада ўқувчиларни ўзига жалб этиш, ўтаётган дарсига қизиқтириш йўлларини топди. Шунинг учун ҳам педагогик кенгашларда унинг номи тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди.

Янгилик сари интилаётган ёш мутахассис мактаб маъмурияти тавсияси билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини сиртдан ўқиб тугатгач, юқори синфларга она тили ва адабиёт фанидан дарс бера бошлади. Янгиликка интилувчанлиги туфайли тажрибали ўқитувчилар сафидан ўрин олди. Уни анъанавий август кенгашларига таклиф этишди. Бу ерда ўз иш тажрибасини ҳамкасблари билан ўртоқлашди. Педагогик ўқишларда қатнашиб, мунтазам ғолибликни қўлга киритиб келди. Унинг ўзи ёш бўлса-да, бутун фикри-зикри болалар тарбияси ва тақдири билан банд эди.

Турмушга чиққач, келинлик юмушларини адо этишда ҳам, давлат ишини бажаришда ҳам доимо кекса онасининг "Сенга бир ишни буюришдими, уни албатта, охиригача етказишни унутма, токи бошқалар олдида юзинг шувит бўлмасин", деган насиҳатларига амал қилиб келди. Ишига доимо фидойилик билан ёндошди. Натижада уни дастлаб бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири, сўнгра бутун иш тажрибаларини бошқа мактабларга ёйган ҳолда илмий бўлим мудири этиб тайинлашди. Сўнг эса мактабга раҳбарлик қила бошлади.

1989 йил мактабда республикада биринчи бўлиб яна бир янгиликка қўл урилди. Ўн биринчи синфни битирган ўн уч нафар йигит-қиз 2-Тошкент давлат тиббиёт институти талабаси бўлди. Шунча битирувчининг битта олий ўқув юртига кириши жуда яхши кўрсаткич эди, албатта. Бу ҳол халқ таълими соҳасида янгиликка туртки бўлиб, институт билан ҳамкорлик қилишга йўл очиб берди. Шу йўсин икки ўртада шартнома тузилиб, мактабда тиббиётга йўналтирилган синф ташкил этилди. Янги ўқув йилидан бошлаб бу синфга ўқувчиларни институт олим ва мутахассислари қабул қиладиган бўлди. Кейинчалик педиатрия ва тиббиёт, автомобил йўллари, фармацевтика, юридик институтлари билан ҳам шундай ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада мактабда тиббиёт йўналишида учта, шунингдек, биология, математика ва ҳуқуқшуносликка йўналтирилган синфлар фаолият кўрсата бошлади. Махсус синфларга ўқувчилар нафақат шу мактабдан, балки шаҳарнинг барча туманларидан танлов асосида қабул қилинди. Бу янгилик мамлакат маорифчиларини қизиқтириб қўйди. Республика бўйича директорлар курси, вилоят халқ маорифи бошқармаси қошида очилган услубчилар гуруҳи, педагогика институтида ташкил этилган ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курслари тингловчилари Мавлуда опанинг иш тажрибасини ўргана бошлади.

Аммо мактаб раҳбарини яна бир муаммо ташвишга соларди. У ҳам бўлса — 9-синф битирувчиларининг тақдири эди. Гап шундаки, паст баҳода ўқиганларни юқори синфда қолдириб бўлмасди. Ота-оналар эса фарзандларини илгариги ҳунар-техника билим юртларига юборишни кўпам хоҳлашмасди. Хўш, нима қилиш керак? Изланувчан раҳбар бунинг ҳам йўлини топди. Собир Раҳимов туманидаги 25-ҳунар-техника билим юрти (ҳозирги машинасозлик лицейи) билан ҳамкорлик қилишга келишилди. Битта бўёқчилик ва иккита тикувчилик синфи очилди. Тузилган шартномага кўра амалиёти билим юртида, қолган барча дарслар эса мактабда ўқитиладиган бўлди. Мактабни битиргач, махсус гуруҳлар етуклик аттестати, буларга эса тўртинчи разрядли ҳунарманд дипломи берилди. Шу тариқа 1991-95 йиллар мобайнида қарийб 450 нафар бўёқчи, авточилангар ва тикувчи тайёрланди.

Мактабда ҳозир бир ярим минг нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 112 ўқитувчи — устоз. Шуниси қувончлики, уларнинг олтмиш фоизи шу мактабнинг собиқ ўқувчиларидир. Бу ҳам педагогика университети билан ўртага қўйилган ҳамкорлик самарасидир. Олий ўқув юртига ўқишга кирган мактаб битирувчилари беш йил мобайнида қадрдон ўқитувчилари назоратида бўлади. Ўқишни тугаллаб, диплом олгач, устозлари сафига келиб қўшилади.

1995 йили Мавлуда опа раҳбарлик қилаётган мазкур илм маскани "Йил мактаби" республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Бу ютуғи учун мактаб компьютер синфхонаси билан мукофотланди. Бир гуруҳ ўқитувчилар эса фахрли унвонларга сазовор бўлди. Мавлуда Исматовага "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвони берилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Халқ таълими комиссиясининг аъзоси сифатида ўн йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Мавлуда Исматова мактаб ислоҳоти йўлидаги жонбозлиги, изланувчанлиги, тўплаган бой тажрибасини ёш ўқитувчилар билан баҳам кўраётгани учун ҳамда мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлди.

Касбини жон-дилдан севган, бутун қалб қўрини болага бахшида эта оладиган ўқитувчигина ўқувчининг кўнглига йўл топади. Мавлуда опа ўз фаолиятида ана шу қоидага амал қилмоқда. Дарҳақиқат, бола қалби ғоят нозик, унга таълим бериш учун катта маҳорат, чуқур билим ва улкан қалб эгаси бўлмоқ лозим. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади.

**Б. МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

### Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ва "Муқобил хизмат тўғрисида"ги Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан захирага бўшатилсин.

2. 1999 йил октябр-ноябр ойларида 1972-1981 йилларда туғилган, чақириқни кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 29 сентябр.

## КОНСТИТУЦИЯ ВА САЙЛОВЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси, ҳокимият маҳаллий вакиллик органларига сайловлар жараёни тобора авж олмоқда. Бу тарихий воқеанинг Ўзбекистонимиз учун улкан сиёсий аҳамиятга эга эканлиги шак-шубҳасиздир. Мазкур сайловлар ўзининг моҳият эътибори билан мустақил давлатимиз ҳаётида янги даврни бошлаб беради, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Сайловларни Конституциямиз ва қонунчилигимиз талабларига қатъий таянган ҳолда, умумэътироф этилган халқаро амалиёт меъёрлари доирасида ўтказиш муҳим аҳамиятга эгалиги, шубҳасиз. Уларга, асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси,ҳокимият маҳаллий вакиллик органлари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланадилар. Бунда сайловчилар конституциявий ҳуқуқларининг ҳар томонлама таъминланиши алоҳида, муҳим аҳамият касб этади. Бу борада сайлов тўғрисидаги қонунларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритишдан олдин Конституциямизга мурожаат қиламиз.

Конституциямизнинг биринчи моддаси: «Ўзбекистон суверен демократик республика», деган сўзлар билан бошланади. Конституциянинг иккинчи моддаси демократиянинг мазмунини, моҳиятини очиб бериб шундай дейди: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Конституциямизнинг 7-моддасида эса: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», дейилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томондангина амалга оширилади. Конституциянинг 32-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади» дейилган.

**(Давоми 3-бетда).**

## ГАЗАНДАЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

**«Халқ сўзи» мухбири Боткен туманидан хабар беради**

Нафақат Фарғона водийсининг, балки Марказий Осиёнинг энг сўлим гўшаларидан бири бўлган Сўх бугунги кунда жанггоҳларга туташ масканни эслатади. Туман марказида Ватан олдидаги қасамёдини сидқидилдан бажаришга шай турган аскарларни, зобитларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Кўчалардаги бронетранспортерлар, ҳарбий машиналар ҳудуддаги вазият анча жиддий эканлигини билдиради. Ҳақиқатан ҳам шундай. Сўхдан 40-45 километр наридаги тоғлар орасига биқиниб олган жангарилар Сўх яқинидаги Қирғизистонга қарашли қишлоқларда тез-тез пайдо бўлиб туришибди.

Маълумотларни таҳлил қилиб, аниқ бир хулосага келиш мумкин. Жиноятчи жангариларнинг барча ҳуружлари, ҳаракатлари асосан тунда содир бўляпти. Уларнинг хатти-ҳаракатини йиртқичлар оламининг энг сурбет, пасткаш вакили қашқирларнинг ҳаётига қиёслагинг келади. Кун ҳикматидан қўрқадиган йиртқичлар асосан тунда, бақамти жойларда писиб, тўсатдан ҳужум қилар экан. Бугунги кунда бутун халқнинг нафратига учраётган газандалар ҳам худди шу йўлни танлашди. Мисолларга мурожаат қилайлик.

19 сентябр. Сирт қишлоғи осуда уйқуда. Фақат сарҳадларни сергаклик билан қўриқлаётган Қирғизистон Республикаси Қуролли Кучларининг аскарлари, зобитлари уйғоқ, улар сергаклик билан атрофни кузатишади. Ярим тунда динни ниқоб қилиб олган экстремистларнинг ҳайқириғидан қирғиз аскарлари дарҳол жангга отланишди. Туйқусдан қилинган ҳужумдан аскарлар саросимига тушишмади. Жиддий тўқнашувдан сўнг қашқирлар ортга чекинишди. Лекин улар ўзларининг йўлбошчиларидан бири, ўта хавфли жиноятчи сифатида қидирилаётган Абдували Йўлдошев жа-

*Воқеа содир бўлган жойда*

садини жанг майдонида қолдириб кетишди. Бу юрт хоини совутлар билан қанчалик ҳимояланган бўлмасин, аскарлардан бирининг ўқи совутни тешиб ўтган экан. Жанг интиҳосида кўпчиликнинг хаёлидан ялт этиб шу фикр ўтди: «Тўнғиз тўнғиз қавмида кетди».

Шу ўринда баъзи бир ўзини ислом динининг ҳимоячилари, доҳийлари деб аюҳаннос солаётганларга бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз. Халқимиз бошига қанчадан-қанча кулфат келтириб, юртимиз тинчини бузаётган бу газанданинг жасади ислом дини қоидаларига биноан қариндош-уруғлари ихтиёрига берилди. У ўз қишлоғида имижимида дафн қилинди.

20 сентябр. Жангарилар энди шундоқ Сўхнинг Демурсад қишлоғига туташ Сой маҳалласида пайдо бўлишди. Бу ерда ҳам улар қора ниятларига етиша олмади. Қоқ тун ярмида бошланган олишув эрта тонггача давом этди. Атрофга қуёш нурлари тарала бошлаганда қашқирлар яна ўз инларига бекинишга мажбур бўлишди. Кейинчалик тоғларда қўй боқиб юрган чўпонларнинг айтишича, дараларнинг бирида учта янги қабр пайдо бўлибди. Бу қабрлар ўз юртига қора ният билан, қурол кўтариб келган муртадларнинг қабри эканлигини тоғликлар яхши билишади. Юқори мартабали бир ҳарбийнинг айтишича, жангарилар ҳар бир қабрни миналаштиришар экан. Ахир бу Афғонистонда таълим олган ўта манфур, ҳийлакор, каллакесарларнинг услуби эмасми?

22 сентябр. Улар Сўх дарёсининг чап соҳилидаги Ғоз қишлоғига ҳужум қилишди.

Қишлоқнинг сўнгги ҳовлилари Селолди дарасига туташиб кетган. Шу дарадан қуйида Қирғизистон армиясининг қўшинлари истеҳкоми жойлашган. Ярим тунда аскарлар сарҳадларни назорат қилиш учун чиқишади. Дарадан ўтишлари биланоқ уларга қоялар остига биқиниб олган жиноятчилар тўсатдан ҳужум қилишади. Ҳар икки томондан автоматлар «тилга» киради. Омонсиз жангда икки қирғиз паҳлавони нобуд бўлади. Лекин душманлар ниятига ета олмади. Улар бутун қишлоқ кафтдек кўриниб турадиган довонни эгаллаш ниятидан маҳрум бўлишди. Бир ярим соат давом этган отишмадан сўнг яна муртадлар инларига чекинишди.

Жанг бўлган жойларнинг ваҳимаси ўзгача бўлар экан. Менга ҳамроҳлик қилаётган аскарлардан бири ўқлар ялаб ўтган қояларни кўрсатиб, «бу энг замонавий автоматлардан отилган ўқлар» эканлигини алоҳида такрорлайди. Ҳақиқатан ҳам жангарилар энг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланганлигини шу жангларнинг бевосита иштирокчиси, Қирғизистон армиясининг зобити Сиддиқбек Қурбонбеков ҳам алоҳида такрорлайди.

— Жангарилар замонавий қурол-аслаҳалар билан тўла таъминланган, — дейди тунни бедорлик билан ўтказган Сиддиқбек. — Улар бизнинг хатти-ҳаракатларимизни тунда ҳам кузатиб туришар экан. Лекин аскар учун ўз юртини, ўз Ватанини ҳимоя қилишдан ортиқроқ бахт борми? Йигитларимиз тиш-тирноғигача қуролланган, ҳарбий лагерларда тажриба орттирган жангариларга қарши мардонавор жанг қилишди. Уларнинг бирортаси эсанкираб қолгани, жанг майдонини

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбегим — ўзлигим*

# ИРМОҚЛАР ТУТАШГАНДА

## 1. Абдуғаффор муаллимнинг ҳикояси

Одатда ўзбек баландпарвоз гапни кўпам ёқтиравермайди. Лекин киндик қони тўкилган уйи, ўсиб-улғайган қишлоғи, шаҳари, вилояти ва ниҳоят, она-юрти ҳақида гап кетганда, ўзбекнинг бари шоирга айланади. Балиқчилик она тили ва адабиёти фани муаллими Абдуғаффор Қосимов билан суҳбатлашарканман, анчайин камсуқум бу йигитнинг шоирона қалбига, ҳали ёш бўлишига қарамай ўзбекона донолигига ич-ичимдан тан бердим.

— Ўқувчилик кезларим эди, — дея ҳикоя қилади у. — Жазирама саратон палласи. Пахта чопиғидан ҳориб-чарчаб тушликка чиқдик. Биз билан бирга хангомалашиб келган механизатор акамиз кела солиб, дарахт остидаги булоқ сувидан тўйиб-тўйиб ичди-да:

— Илоҳо, бизни Балиқчининг сувидан бенасиб қилмагин, — дея шукрона келтирди.

Болалик хаёлларига берилган пайтларим эмасми, ўз-ўзидан саволлар қуйилиб келаверди. Балиқчидан ҳам обод ерлари, бизнинг булоқларимиздан ҳам тотлироқ сувлари бор юртлар кўп-ку, дунёда. Кечгача далада ишлаб, уйига қайтиши билан рўзғор юмушларига шўнғийдиган бу киши ўз даласини, булоқларини бунча яхши кўрмаса?!

Энди билсам, Ватан бағрида яшаш, унга фидойи бўлиш, муносиб фарзанд сифатида меҳнат қилиш, оилам, юртим деб яшашнинг ўзи улкан бахт экан.

Андижон — Наманган йўли бўйида ҳамқишлоғимиз Исомқул аканинг 2500 туп терак кўкартиргани, дарахтлар етилгунга қадар улар остида ҳандалагу бодринг, помидору булғор қалампири етиштириб аҳолига арзон нархда сотгани, Балиқчи — Шаҳрихон йўли ёқасида шундай тераксорни барпо этган раҳматли Содиқ буванинг: «Болаларим, биздан элу юртга савобли ишларимиз қолади. Теракларимиз соясида баҳра олган киши бизни дуо қилса бас», деган гапларининг мағзини мана энди чақаяпман.

Ҳаётни, турмушни кузатсангиз, оддий, камтарин кишилар она-юрт равнақи йўлида тиним билмас эканлар. Уларни бунга даъват қилаётган нарса нима? Ватан туйғуси эмасми!...

Қарангки, улар заҳматли меҳнатлари билан мустақил Ўзбекистонимиз қудратига-қудрат қўшаётганликларини сира писанда қилмайдилар. Ўзбекнинг ўзбеклиги балки ана шундадир. Бултур айни шу кезларда Юртбошимиз Балиқчида бўлганларида фермер Маъруфжон ака Насриддинов буғдойзорини айланиб, мамнун бўлганларида, содда ўзбек деҳонининг боши осмонга етганини тасаввур қилиш қийин эмас. Аммо у гектаридан 80 центнердан ошириб хирмон кўтарса ҳам кўкрагига уришни ўзига эп билмайди. Меҳнатига ўзгалар баҳо беришига ўрганган-да.

Ана шунақа бизнинг балиқчиликлар!

## 2. ФЕРМЕРЛАР

Абдуғаффорнинг ҳикоясидан кейин «дур яратган» фермер билан танишиш иштиёқи туғилди. Аммо омадим юришмади. Маъруфжон ака хўжалик юмушлари билан қўшни вилоятга кетган экан.

— Туманимизда Маъруфжон ака каби донг чиқарган тадбиркорлар кўп, — деди фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси раиси Абдупатто Умматов. — Жами 400 нафардан зиёд. Улар баракали пахта ва ғалла хирмони уюшда салмоқли улуш қўшиб келяптилар. Чорвачиликда ҳам кўрсаткичларимиз ёмон эмас. Истасангиз олиб бориб таништирай.

«Голландия» фермер хўжалигининг раиси Фозилжон Саидазимов 1993 йилгача ўзи истиқомат қиладиган «Бўстон» ширкатлар уюшмасида бригадага етакчилик қилган экан. Мана, олти йилдирки, 22,5 гектар ер ўз тасарруфида. 11 гектарга пахта, 8 гектарга ғалла, қолганига сабзавот, полиз экинлари экади. Ўтган йили пахтадан 39, ғалладан 80 центнердан ҳосил етиштириб, эл оғзига тушди. Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Суягим далада қотгани билан ўзимни энди ҳақиқий деҳқон, ер эгасидай ҳис этаяпман, — дейди Фозилжон ака. — Мустақилликнинг дастлабки йиллари «фермер-фермер», деган гаплар чиқиб, у ўз ерига ўзи эгалик қилар экан, Голландия деган мамлакатнинг бор-йўғи 4 фоиз одами бутун халқини боқиб, ортганини бошқа давлатларга ҳам сотаркан, дейишса худди эртак тинглагандай бўлардим. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиги очишга киришганда уларга ҳавас қилиб номини «Голландия» деб қўйгандик.

— Ҳар ҳолда олти йилда голландияликларга яқинлашай дедингизми? — сўраймиз ҳазиллашиб.

— Ҳа, энди... Ҳаракат қилаяпмиз.

— Фозилжон ака камтарлик қилаяптилар, — дейди суҳбатга қўшилиб Абдупатто. — Буғдой етиштиришда улардан аллақачон ўзиб кетдилар. Пахтадан ҳам беллашаман деб турибдилар-у, у ёқдан талабгор чиқмаяптида.

Даврада енгил кулги кўтарилди.

— Бу йил ғалланинг қайси навидан эккандингиз?

— Краснодардан келтирилган «Крошка» элита навидан. Ўзиям уч ярусли тугар экан донни. Бироз лофи билан айтсам, бошоққа сиғмай қолди.

— 80 га етдими, ахир?

— 82 дан оширдик.

— Отангизга раҳмат!

Фозилжон ака билан анча гурунглашдик. Ўтган йили оиласи билан 800 минг сўм соф фойда олган экан. Бу йилги мўлжали яна ҳам баланд. Даромаднинг ҳаммасини белбоққа тугиб олмай, қишлоқдаги 30-мактабни таъмирлашга, болалар боғчасига, маҳалладаги турли хайрия тадбирларига ҳам яқиндан кўмак бериб турибди.

— Ҳайрихон Эргашева номли жамоа хўжалигида ҳам тиниб-тинчимас бир фермеримиз бор. Муҳаммаджон ака Мелибоев. Хўжалигининг номи «Муҳаммад Саид». Ўзи 10 гектар ери бору 20 гектарнинг «ёғини олади», — деб қолди Абдупатто. — Бу йил ана шу акамиз ҳамма ерига шакарқамиш экдилар.

И-е, бу ёғи қизиқ бўлди-ку? Бири голландияликлар билан баҳслашаман деса, иккинчиси кубаликлар экинини экса...

Шакарқамиш деганлари ўзимизнинг маккага ўхшаган экан. Хўш, Муҳаммаджон фермер унинг нимасига қизиқибди-ю, уруғини қаердан топибди?

— Сиз учун янгилик туюлгани билан аслида Хоразм, Наманган каби вилоятларда шакарқамиш ишқибозлари бор, — дейди фермер. — Мен асосан чорвачилик билан шуғулланаман. Сигирни серсут, серқаймоқ қилишда шакарқамиш поясига етадигани йўқ. Шу боис илгари Наманганга бир борганимда уруғидан бир ҳовучгина олиб келгандим. Кўпайтириб, мана шунча қилиб олдим.

— Ҳосилдорлиги-чи?

— 1000 центнердан ошириб силос беради.

— Маккажўхоридан-чи?

— 400 центнердан олиш мумкин.

— Демак, 2,5 баробар кўп маҳсулот олиш имконияти бор.

— Шунинг учун ҳам шакарқамишга «ёпишиб» олдим-да. Бизда ҳар қарич ер ҳисобда 60 та қорамолни тўйдиришга эса 15-16 гектар ер керак.

— Натижаси бўлаяптими, ахир?

— Аввало, бола-чақа-ю, невара-чеваралар ризқ-насибаси чиқиб турибди. Қолаверса ўтган йили 250 минг сўм даромад олдик. Фойданинг асосий қисмини сигирлар зотини яхшилашга ишлатаяпман. Насиб этса, кунига 10 литрдан кам сут бермайдиган 40 та зотли мол қилиб олсам, кичик сут заводи очишга киришаман.

Ўтган йили Муҳаммаджон фермер 40 тонна сут ишлаб чиқариб, 30 тоннасини давлатга топширибди. Қишлоқдаги 5 та камхарж оилага кунига 2 литрдан сут бериб турар экан. 12 нафар боланинг суннат тўйига бош-қош бўлибди.

Шакарқамиш масаласига қайтадиган бўлсак, биринчи ўримни саранжомлабди.

— Сентябр ва ноябр ойларида ҳам ўриб оламиз, — дейди у. — Шу билан озуқа муаммоси 100 фоиз ҳал бўлади. Ҳатто қўшниларга ҳам сотишим мумкин.

Нима ҳам дердик. Абдуғаффор муаллим айтмоқчи, «ўзбекнинг тадбиркорларига ҳам гап йўқ».

## 3. ҚАЛДИРҒОЧ КОЛЛЕЖ

Истиқлолнинг ҳар бир йили халқимиз тарихига олтин ҳарфлар билан битилажаги шак-шубҳасиздир. Ҳар соҳада бўлгани каби миллий кадрлар тайёрлаш, баркамол авлод келажаги йўлида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра жорий йилда минглаб болаларимиз, йигит-қизлар биринчи қўнғироқлар жарангини гимназиялар, академик лицейлар, коллежларнинг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган янги синф хоналарида кутиб олдилар. Ана шундай илм масканларидан бири туманнинг Чинобод қишлоғида ҳам қад ростлади.

— 600 талабага мўлжалланган коллеж қурилишига алоҳида эътибор билан ёндашдик, — дейди туман ҳокими Одилжон Абдураимов. — Андижон сув қурилиши очиқ турдаги акционерлик жамиятига қарашли Рустамжон Самадов бошлиқ механизациялашган кўчма колонна ишчи-хизматчилари топшириқни муддатида бажариш учун ишни уч сменада олиб боришди.

Улар 244 миллион 435 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилиши лозим бўлган ушбу иншоотни тендер танловида ғолиб чиқиб, қўлга киритишган эди. Бригада етакчиси Абдумутал Эргашев, ишчилар Акрам Тўйчиев, Санжар Раҳимов, Абдужалил Обидов, Умиджон Меҳмоновларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, саволларингизга мамнуният билан жавоб қайтаришади. Чунки улар ўзларининг беором меҳнатлари натижасини кўриб турибдилар.

Вақт шитоб билан ўтиб бормоқда. Унинг тезлигини баъзан сезиб, баъзан сезмай қолаяпмиз. Чунки сизу биз, бутун Ўзбекистон ишлаяпти, ўқияпти, изланаяпти, ўз келажаги сари одимлаяпти. Агар мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида Балиқчида қалдирғоч коллеж ишга туширилган бўлса, 2005 йилга бориб туманда 1 та академик лицей ва 8 та касб-ҳунар коллежи барпо этилади.

## 4. КАЙФИЯТ

«Бўстон» ширкатлар уюшмаси тумандаги энг йирик хўжаликлардан бири. 2213 гектар ерга чигит қадаган миришкорлар даласида айни пайтда терим қизғин паллага кирган. Биз 1-ширкатнинг тажрибали пахтакор Алижон Бекмуродов етакчилигидаги 1-бригадасида бўлдик. Жами майдон — 74 гектар. Кунига режанинг 3-3,5 фоизи миқдорида пахта териб олинаяпти. Шу боис 63 ёшга кирган бригада етакчисининг ҳам, жамоа аъзоларининг ҳам кайфияти баланд.

— Дастлабки ҳосил чўғи ёмон эмас, — дейди Алижон ака. — «Фарғона-3» навли чигит экканмиз. Режа 31, ният эса 40 центнердан хирмон кўтариш.

Шийпонда бироз нафас ростлаган бўлиб, маҳаллий сураткаш Рўзибой Алихонов билан ёнгинамизда ишлаётган теримчилар томон йўл олдик.

Суратга олмоқчилигимизни билиб, «Ўғилхон биринчи, Ўғилхонни олинглар!» дейишди пайкал бошидаги аёллар.

— Бошқалар-чи? — деймиз ҳазиллашиб.

— Ўғилхон Исмонова кеча 100 кило терганди. Бугунам биринчиликни қўлдан бермоқчи эмас, — дейди бригада бошлиғи.

— Жарақлатиб 8 сўмдан олиб тургандан кейин теради-да, — гапга аралашди чечан аёллардан бири. — Бир кунда 800 сўмни ким беради сизга!

Биргина Ўғилхонни эмас, эсдалик учун ҳамма теримчиларни бир жойга тўплаб суратга туширдик. Рўзибой хўжаликда режа тўлган куни ҳаммаларига биттадан сурат келтириб беришни ваъда қилди.

— Унда тезроқ ҳаракат қилинг, — деди бригадир. — Шу кетиши бўлса сурат тайёр бўлгунча, биз ҳам режани бажариб қўямиз-ов.

Ҳа, Алижон ака ва унинг бригадаси аллақачон йиллик режани адо этган бўлишига қарамай Балиқчининг салкам 35 минг тонналик хирмонига муносиб ҳисса қўшиш ниятида ғайрат билан меҳнат қилаяпти.

* * *

Ривоят қилишларича Балиқчида азиз-авлиёлар кўп ўтган. Бу табаррук зотлар ҳордиқ чиқариш учун тўхтаб, ҳассаларини суқсалар, ўша ердан булоқ отилиб чиқаверган экан. Улардан оқиб чиққан зилол сувлар Сариқсув сойига қўшилиб, Қорадарёга, Қорадарё эса Нориндарё билан бирлашиб Сирдарёга айланади. Шундай азим дарё ирмоқлардан, қайнар булоқлардан ташкил топганига бир қарашда ақли бовар қилмайди кишининг.

Бугун салкам 139 минг киши яшайдиган Балиқчида кексаю ёш яратиш ишқи билан банд. Давлатга ғалла сотиш режаси ошиғи билан бажарилди. Чинободдаги «Алишер Навоий интернейшнл» АҚШ-Ўзбекистон қўшма корхонаси, Балиқчи нотўқима материаллар ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти ва бошқа қатор корхоналар фаолиятига назар ташласангиз, она-Ватан равнақи йўлида астойдил тер тўкаётган инсонлар меҳнинатига беихтиёр тасаннолар айтасиз. Улар билан қайта-қайта суҳбатлашгингиз, 106 ёшни қоралаётган Кимсан бобо Музаффаров, 103 дан ошган Зубайда момо Тожибоева каби табаррук отахон ва онахонларнинг оқ дуосини олгингиз келади.

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ГАЗАНДАЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ташлаб кетгани йўқ. Энди хоинлар бу тарафларга юрак ютиб киролмайди, деб ўйлайман.

Айилбоши Элчибек Нажмиддинов ўзбекчани жуда равон гапирар экан.

— Ахир тақдиримиз, ҳаётимиз бир-бири билан туташиб кетган бўлса, бозоримиз, ҳатто мозорларимиз ҳам бир. Агар эътибор берсангиз, одамларимизнинг бири ўзбекча гапириб, иккинчиси қирғизча жавоб бераверади. Бир дарёдан сув ичамиз, деҳқончилигимиз бир ўзанга боғланиб кетган. Тошкент телевидениеси эшиттиришларини кўрамиз. Куни кеча телевизорда Ўзбекистон Президенти Ислом ака Каримовнинг мамлакатимиз Президенти Акаевга йўллаган мактубини эшитиб қолдим. Кўнглимга яна бир ёруғлик тушди. Биз Ўзбекистон аскарларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари ҳақида ҳар хил мулоҳазаларни эшитиб юрган эдик. Энди аскарлар ҳам қўлни-қўлга бериб, юртимизга ёмон ният билан келган манфур, юртфуруш хоин кимсаларга қарши биргаликда курашишар экан. Биз, қирғизистонликлар буни фақат мамнуният билан кутиб олдик. Ҳамкорликда ҳаракат қилиш борасидаги ташаббусни ҳам Ўзбекистон Президенти бошлаб берди.

Айилбоши икки ойдан бери қишлоқда таҳликали вазият туфайли тўй-тўпчиқлар тўхтаб қолганлигини афсус-надомат билан такрорлади. Картошка, сабзи, бошқа деҳқончилик экинларини аскарлар назоратида йиғиштириб оляпмиз. Буғдойнинг ўрими анча ўтиб кетди. Нафақат Сўх воҳасида, балки Фарғона водийсидаги энг ширин, энг қайроқи буғдой бизда битарди. Ахир шиғил тош устида экин етиштириш учун қанчадан-қанча меҳнат сарф қилинади. Афсуски, биз ана шу ҳаракатнинг асосий қисмини бугун ҳимояга қаратяпмиз.

Қишлоқдан қайтаётиб, юқоридаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган баъзи бир оилаларнинг пастга кўчиб ўтаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Чунки Сойкелди дарасидаги жанг, тунги отишув одамларнинг хавотирини янада оширди.

Ўзбекистон сарҳадига қадам қўяётиб, блок-постдаги бир ажиб манзарага кўзимиз тушди. Ватанимиз сарҳадларини ҳушёрлик билан қўриқлаётган чегара қўшинлари аскарларини маҳалла аҳли ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Ҳа, халқимизда меҳр-оқибат бор. Шундай экан, бундай халқни асло енгиб бўлмайди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




# ВАРВАРЛИК

Жаҳон маданиятидаги, илм-фан ва санъатдаги энг ноёб нарсалар узоқ йиллар мобайнида, машаққатли меҳнат ва заҳматли изланишлар билан яратилади. Шу туфайли уларни нобуд қилиш инсониятга, тараққиётга душманликдан бошқа нарса эмас. Узоқ ўтмишда Александрия кутубхонасига ўт қўйилганлиги ёки Улуғбек обсерваториясининг вайрон этилганлиги каби хунук воқеалар инсоният цивилизациясига қарши нодонларча қилинган варварлик сифатида ачиниш билан эслаб келинади.

Абрамов музлигида бундан 32 йил муқаддам бунёд этилган антиқа гляциал-метеорологик стационарининг бошига ҳам шундай кун тушди. Бу илмий-тадқиқот қароргоҳи гляциология (музшунослик), гидрология, метеорология, экология ва бошқа фан соҳаларида салмоқли илмий маълумотларни тўплаб келаётган эди, улар жаҳон илм-фанига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган эди.

Абрамов музлиги станциясидаги об-ҳаво ва мониторинг (ҳудудий) кузатишлар бутун Марказий Осиё учун иқлимий ва экологик прогнозларга хизмат қилиб келмоқда эди: Мазкур станцияда бўлган хорижий олимлар бу ҳудуднинг илмий кузатиш ва тажрибалар учун ноёблигини кўп бор эътироф этишган.

«Абрамов музлиги» станцияси 1966 йилда юксак тоғ шароитида барпо этилиб, бир неча марта замонавий қайта жиҳозланган. Борадиган йўлларнинг йўқлиги сабабли бу ерга зарур ашёлар фақат ҳаво орқали, вертолётлар кўмагида келтирилар эди. Айниқса, сўнгги йилларда станция юксак технологик қуролланган музлик стационарига айланган эди. Бу ерда сунъий ер йўлдоши билан алоқани боғлайдиган антенналар, компьютерлар, телеметрик ўлчов тизимлари ва кучли дизелларга эга электростанция ишлаб турган эди. Жанубий Тиёншон тоғининг тўртламчи даврдаги музликларини (яъни Ер куррасининг сўнгги бир миллион йилда пайдо бўлган музликларини)ўрганиш бўйича халқаро дастурда қатнашиб, биз Ўзбекистон Фанлар академияси геология ва геофизика институти гляциологлари (музшунос мутахассислари) шу йилнинг 22 августида Абрамов музлиги станциясида бўлдик. Бироқ Қирғизистон ҳудудига босқинчилик уюштирган халқаро террорчи тўдалари йўл-йўлакай илм-фаннинг бу гўзал аслаҳахонасини ҳам портлатиб, оёқости қилиб ўтганлигининг ачинарли гувоҳи бўлдик. Биз борганимизда, тадқиқот станцияси ўрнида тепасида ҳали босилмаган қора тутун ўрлаб турган хароба турарди. Барча объектлар кунпаякун қилинган, ҳар бир бинонинг ўрнида темир-терсак, сим чивиқлар уюми қолган эди. Ғоят таассуфли бу манзара варварлик ва жаҳолатнинг бор даҳшатини ўзида мужассамлаштириб, кишини ғазаб ва нафратдан титратиб юборар эди. Биз байналмилал олимлар, мутахассислар жамоасининг кўп йиллик оғир меҳнати билан яратилган бу тадқиқот марказининг кулини кўкка совурган муртадларнинг падарига минг лаънатлар айтамиз.

Биз ишонамиз, ҳудудимизга таҳдид қилаётган террорчилар, албатта, ўз жазосини топади, улар Яратганнинг ҳам, одамзотнинг ҳам қаҳру ғазабига учрайди, фанимиз эса келгусида янада равнақ топаверади.

**Жавлон ЖАМОЛОВ,**
**Анатолий НИ,**
**Максим ПЕТРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Геология ва геофизика институти гляциология экспедицияси иштирокчилари.**

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЮРАГИ

САҲРОДАГИ МЎЪЖИЗА



# ЙЎЛИ

Юртимиз ўзининг табиий шароити, иқлими, ер ости ва ер усти бойликлари билан курраи заминнинг жаннатига қиёсланади. Атоқли шоиримиз бежиз «Тупроғи зар, маъданим маним...» деб шеър битмаган. Зеро, ўзбек тупроғининг бағри ҳам ўзбек миллатининг бағри каби кенг ва саховатлидир. Аммо бу бойликларни юзага чиқариш хамирдан қил суғурганчалик осон иш эмас.

Ўзингиз тасаввур қилинг. Бирор-бир конни топиш учун геологларимиз йиллаб тер тўкса, кончилар эса ундан-да кўпроқ меҳнат қиладилар. Қиш қаҳратони-ю, ёз жазирамасини матонат билан енгадилар. Шунинг учун ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар мўъжизага қиёс.

Бугун юртимиз мустақиллигини ана шундай қаҳрамонона меҳнат эвазига мустаҳкамлаётган жамоалар орасида «Муборакнефтгаз» нефт ва газ конлари бошқармасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Биз ушбу бошқарма номини бежиз тилга олмадик. Чунки у ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида беқиёс мавқега эга. Тасаввурингиз янада ёрқинроқ бўлмоғи учун, дастлаб айрим маълумотларни эслатиб ўтамиз.

Республика бўйича қазиб олинадиган газнинг 60-65 фоизини, нефт ва газ конденсатининг 90 фоизини айнан ушбу жамоа аҳли етказиб беради. Бошқармада тўрт мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. У Кўкдумалоқ, Ўрта булоқ, Шимолий Ўрта булоқ, Денгизкўл, Зеварда, Помиқ ва Култоқ каби ўнлаб конларни ўз ичига олади. Табиийки, мазкур конларнинг барчаси чўлларда жойлашган. Аммо бугун ана шу конларнинг қай бирига борманг, улкан бунёдкорлик ишлари, йирик иншоотлар, гўзал шаҳарчалар қад ростлаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Бир вақтлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган кимсасиз жойлар бугун кун сайин чирой очмоқда. Энг муҳими, бу ҳайратомуз муваффақиятлар замондошларимиз меҳнати, ташаббуси, интилиши туфайли ҳақиқатга айланмоқда.

Бошқарманинг Кўкдумалоқ конидаги компрессор станцияси ҳам ана шу тинимсиз саъй-ҳаракатларнинг натижаси сифатида бундан икки йил муқаддам бунёд этилганди. Бугунги ҳикоямиз мазкур мажмуа ва унинг фидойи ишчилари хусусида.

Муборакдан Кўкдумалоқгача бўлган масофа — қарийб юз чақиримлик йўл. Туман марказидан озроқ юргач, теп-текис чўл бошланади. Ҳаво шу даражада иссиқки, унинг тафти юзларга олов пуркайди. Аммо нигоҳларимиз олисдаги уфқларга қадаларкан, кўнгиллар беихтиёр енгил тортади. Чунки чўлда ҳамма нарса ўзгача: ҳаёт ҳам, табиат ҳам ва ҳатто одамлар ҳам. Ҳамроҳларимиздан бири: «Э-э, биз бундай шароитга мослашиб кетганмиз. Йил бўйи шамол тинмайди. Шу боис ҳам, бу ерда емишига қум кирмаса татимайди, деган гап юради», — деди ҳазил аралаш. Табиийки, бу гапда муболаға йўқ. Бўлмаса, улар чўлни Ватан деб билармидилар?

Йўл-йўлакай бошқарманинг бугуни ва эртанги режалари хусусидаги гурунгимиз қизиб борарди. Шу пайт суҳбатдошларимиздан бири:

— Ана, Кўкдумалоқ, манзилга етдик, — деб қолди.

Рости, бу манзарани тасаввурга сиғдириш қийин эди. Нега дерсиз? Чунки чор-атроф бийдай чўл. Аммо саҳронинг қоқ ўртасида кўзни қамаштиргувчи улкан компрессор станцияси мана-ман деб савлат тўкиб турибди. Унга яқинлашган сари ҳайратингиз ичингизга сиғмайди. Аслида, бундай гўзаллик кўпроқ эртакларда бўлади. Лекин бу сафар чинакам мўъжизани ҳаётда кўрдим. Ва, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, сарҳадсиз қум барханлари кифтида катта майдонни эгаллаб ётган бундай саноат гиганти ҳар қандай давлатда ҳам учрайвермайди. Бу ерда амалга оширилаётган вазифаларни уддалаш эса ҳар кимга ҳам насиб этавермаслигини ҳали машинадан тушмасданоқ англадим.

Бошқарма бошлиғи Нуриддин Зайниев билан станция раҳбари Шермат Шамсиевни муҳандислар, операторлар билан қизғин иш устида учратдик. Улар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари акс эттирилган қоғозларга тикилиб, нималарнидир муҳокама қилишарди. Кўп ўтмай, аниқ топшириқлар олинди шекилли, ҳамма ўз иш жойига тарқаб кетди. Биз ҳам Нуриддин Зайниев ҳамроҳлигида компрессор станцияси томон юрдик. У бизни бу ердаги қилинган ва қилинажак ишлар билан таништира бошлади.

— Геологлар бундан ўн йиллар муқаддам шу ҳудудда нефт кони борлигини аниқлашганди, — деди бошқарма бошлиғи пешонасининг терини рўмолчасига артаркан. — Аммо ўша пайтда конни ўзлаштиришга эътибор берилмаган.

— Нима учун?

— Шунинг учунки, «марказ» хорижга газ экспорт қилишдан манфаатдор эдида. Келажак учун керак бўладиган ишларга эса улар қизиқмасди. Энг ачинарлиси, шундай дарёнинг бошида яшардиг-у, томчилаб сув ичардик. Бу бойликларнинг юртимиз учун фойдаси фақат мустақилликдан сўнггина тегди.

Нуриддин аканинг сўзларини эшитиб, дафъатан хаёлимда республикамиз нефт ва газ саноатининг кечаги куни гавдаланди. Аслида-ку, бу кўпчилик учун янгилик, деб бўлмайди. Негаки, ўша кезлари қанча-қанча олтинга тенг бойликларимиз қувурлар орқали Уралгача оққани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бугун, мустақиллик кунларида ушбу жабҳада ҳар қандай масалани ўз жойида осонгина ҳал қилиш учун қулай шароит вужудга келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хўш, бу кўкдумалоқликларга нима берди?

— Давлатимиз қудрати, истиқлолимиз кучини қарангки, қисқа вақт ичида Кўкдумалоқ кони қайта туғилди, — дея гапида давом этади Н. Зайниев. — Нефт ва газни дастлабки босқичда тозалайдиган қурилмалар қурилди. Электр станцияси қад ростлади. Ишчилар шаҳарчаси бунёд этилди. Жаҳонни лол қолдирган қудратли компрессор станцияси ишга тушди. Саҳрода янги нефт ва газ конлари очилди. Эҳ-ҳе, бу ўзгаришларнинг қай бирини санай? Очиғи, сизга айтсам, бу мустақиллигимизнинг нурли из қолдирган ёруғ дасхати бўлди.

Дарҳақиқат, шундай. Зеро, киши ҳайратига сабаб бўлгувчи ушбу муваффақиятларни бундан-да аниқроқ, теранроқ баҳолаш мумкин эмас. Табиийки ана

